Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

Ishonch

2026-yil,
24-oktabr,
shanba
№129
(5349)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Ички ишлар органлари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

Фармон матни билан қуйидаги QR код орқали батафсил танишинг:

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 октябрь куни «Росатом» атом энергияси бўйича давлат корпорацияси бош директори Алексей Лихачёвни қабул қилди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 октябрь куни «Eldridge Industries» компанияси ҳаммуассиси, раиси ва бош ижрочи директори Тодд Боэлини қабул қилди.

* * *

Самарқандда мактабгача таълим, коррекцион-педагогик ёрдам ва комплекс реабилитация хизматларини бирлаштирган IMKON маркази очилди. Унинг мактабгача таълим бўлими 150 ўринга мўлжалланган, амбулатор бўлимида эса ҳар ой қарийб 100 нафар бола реабилитация курсларидан ўтиши мумкин.

* * *

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент ассамблеяси раиси Пере Жоан Понс Сампьетро бошчилигидаги делегация Самарқандда бўлди.

* * *

Тошкент шаҳрида Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) Парламентлараро ассамблеяси Маданият, ахборот, туризм ва спорт бўйича доимий комиссиясининг сайёр мажлиси бўлиб ўтди.

* * *

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев АҚШнинг Powerscape Global компанияси асосчиси ва бош ижрочи директори Карл Мур билан учрашди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида «Ибн Сино – Ғарб ва Шарқ фалсафий тафаккурининг буюк намояндаси» мавзусида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.

ҚЎЛ МЕҲНАТИДАН ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР САРИ

ҚАРШИ ШАҲРИДА ИШ БОШЛАГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ ҲАҚИДА ЎЙЛАР ЭКАНМАН, ЎН БИР ЙИЛ АВВАЛГИ ПАХТА ДАЛАЛАРИ ЁДИМГА ТУШАДИ. ЎШАНДА ОДАМЛАР ЙИҒИМ-ТЕРИМГА МАЖБУРАН ЖАЛБ ЭТИЛАРДИ. БУГУН ЭСА ПАХТАНИ ЗАМОНАВИЙ МАШИНА ТЕРМОҚДА. ДАРВОҚЕ, 2017 ЙИЛДАН БОШЛАБ МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА ОДАМЛАРНИ ТЕРИМГА МАЖБУРЛАШ АМАЛИЁТИГА БАРҲАМ БЕРИШ БОРАСИДА ҚАТЪИЙ ЧОРАЛАР КЎРИЛДИ. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ТАШАББУСИ БИЛАН ЎҚИТУВЧИ СИНФХОНАГА, ТАЛАБА АУДИТОРИЯГА ҚАЙТИШИ, ҲАР КИМ ЎЗ ВАЗИФАСИНИ МУНОСИБ ШАРОИТДА БАЖАРИШИ УЧУН ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛДИ.



ЗАВОД – ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР МАНЗИЛИ

Куни кеча Президентимиз Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида Қарши шаҳридаги «FM World» корхонаси фаолияти билан танишди. «Nasaf» бренди остида замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари йиғилаётган ушбу мажмуа Хитойнинг 500 та йирик хусусий корхонаси қаторига киритилган «Jiangsu World Group» корпорацияси таркибига киради.

Президент ахборот хизмати маълумотларига кўра, лойиҳа қиймати 20 МИЛЛИОН долларни ташкил этади. Тўлиқ хорижий инвестиция ҳисобидан қурилган корхона беш гектар майдонни эгаллаган. 12 МИНГ квадрат метр жойда ишлаб чиқариш бинолари барпо этилган, 200 ТА иш ўрни яратилган. Ишлаб чиқаришнинг айрим жараёнлари автоматлаштирилган.

Бу рақамлар ортида янги меҳнат жамоаси, касб ўрганаётган мутахассислар, оиласи даромадига ҳисса қўшаётган ишчи-хизматчилар ва вилоят иқтисодиёти учун янги имкониятлар турибди. Заводнинг аҳамияти қишлоқ хўжалигидаги эҳтиёжни маҳаллий саноат имкониятлари билан боғлаётганида кўринади.

Қашқадарё деганда, аввало, кенг пахтазорлар, ғалла майдонлари, боғу роғлар ва меҳнаткаш деҳқонлар кўз олдимизга келади. Вилоят иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг ўрни катта.

Фермер ерни ўз вақтида тайёрлаши, чигит экиши, қатор ораларига ишлов бериши, экинни парваришлаши ва ҳосилни қисқа фурсатда йиғиб олиши керак. Бу жараёнларнинг ҳар бирида вақт муҳим. Техника етишмаса ёки мавжуд машиналар носоз бўлса, агротехник тадбирларни белгиланган муддатда бажариш қийинлашади, бу ҳосилдорлик ва харажатларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги техникасини хориждан олиб келиш эса фақат харид нархи билан боғлиқ эмас. Ташиш, эҳтиёт қисмларни етказиб бериш, таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш харажатлари ҳам якуний қийматга таъсир ўтказади. Маҳаллий ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши ушбу масалаларни босқичма-босқич ҳал этиш, фермерларга техника таъминотини яхшилаш учун замин яратади.

ПАХТАНИ ОДАМ ЭМАС, МАШИНА ТЕРАДИГАН ДАВР

Пахтачиликда энг масъулиятли босқичлардан бири – етиштирилган ҳосилни ўз вақтида йиғиб олиш. Теримни кечиктириш дала ишларининг кейинги босқичларига таъсир қилиши, тола сифатига хавф туғдириши мумкин. Замонавий пахта териш машиналари айнан шу ишларни енгиллаштиришга хизмат қилади. Улар қисқа вақт ичида катта майдондаги ҳосилни йиғиштириб олиш, терим муддатини қисқартириш ва қўл меҳнатига бўлган эҳтиёжни камайтириш имконини беради.

Теримни механизациялашга оид кўрсаткичлар ҳам соҳадаги ўзгаришлардан далолат беради. Йил бошида эълон қилинган расмий маълумотларга кўра, сўнгги йилларда 1 минг 756 та машина харид қилиниб, теримни механизациялаш даражаси 52 фоизга етган. Ўтган мавсумда 2,1 миллион тонна пахта машина ёрдамида териб олинган. Сўнгги беш йилда қўл меҳнатига бўлган эҳтиёж 1,8 баробар камайган.

«NASAF» – МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ САРИ ҚАДАМ

Корхонада «Nasaf» бренди остида беш хил русумдаги тракторлар, пахта териш машиналари ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникалари йиғилмоқда. Тракторлар сунъий йўлдош орқали йўналишни аниқлаш, ўз-ўзини бошқариш, ўғитлаш жараёнини назорат қилиш ва масофадан кузатиш тизимлари билан жиҳозланган. Бундай имкониятлар дала ишларини аниқ бажариш, ёнилғи ва бошқа ресурслар сарфини камайтиришга ёрдам беради. Масалан, катта майдонда ер ҳайдаш, экиш ёки ўғитлаш жараёнида ҳар бир қатор тўғри олиниши муҳим. Сунъий йўлдош сигналлари асосида ишлайдиган йўналишни аниқлаш тизимлари трактор ҳаракатини назорат қилиш, бир жойга қайта-қайта ишлов бериш ёки айрим қисмларни эътибордан четда қолдириш хавфини камайтиради. Натижада вақтдан унумли фойдаланиш ва ресурсларни тежаш имконияти ортади.

Тракторларни йиғишда маҳаллийлаштириш даражаси 30 ФОИЗНИ ташкил этади. Шунингдек, 138 ТУРДАГИ деталь ва бутловчи қисм шу ернинг ўзида ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг турини кўпайтириш ва маҳаллийлаштириш даражасини босқичма-босқич ошириш кўзда тутилган.

Корхона олдига қўйилган режалардан яна бири йиллик экспорт ҳажмини 50 миллион долларга етказиш ва маҳсулотларнинг 30 фоизини қўшни давлатларга етказиб беришдир. Бу мақсадлар рўёбга чиқса, у ички бозор эҳтиёжларини қоплаш билан бирга, ташқи бозорларда ҳам ўз ўрнига эга бўлади.

ИНСОН ҚАДРИ ВА МЕҲНАТ САМАРАСИ

Президентимиз корхона фаолияти билан танишар экан, қишлоқ хўжалиги техникаларини хориждан олиб келиш таннархга таъсир қилиши, фермерлар меҳнатини енгиллаштирадиган замонавий техникаларни миллий бренд остида ишлаб чиқариш бир пайтлар орзу бўлганини қайд этди.

Ўтмишда пахта режасини бажариш учун одамларнинг соғлиғи, вақти ва имкониятлари ҳисобга олинмаган ҳолатлар бўлган. Бугун техникадан фойдаланиш орқали инсонни ортиқча оғир меҳнатдан халос этиш, унинг ишини самарали ташкил қилиш ва меҳнат шароитини яхшилаш имкони бор. Бундан тўғри фойдаланиш ишлаб чиқаришдаги натижа билан бир қаторда, инсонга бўлган муносабатда ҳам ўзгариш ясайди.

Қаршидаги заводни қишлоқ хўжалигини технологик янгилаш йўлидаги муҳим қадам сифатида баҳолаш мумкин. Унинг истиқболи ишлаб чиқарилган техникалар сони билангина эмас, далалардаги самараси, фермерларга келтираётган манфаати ва меҳнатни енгиллаштиришга қўшаётган ҳиссаси билан ҳам белгиланади. Зеро, тараққиёт янги заводлар қурилиши, замонавий машиналар ишлаб чиқарилиши билангина эмас, инсон меҳнати қадр топиши, вақти тежалиши, саломатлиги асралиши ва келажакка ишонч билан қарашида ҳам намоён бўлади.



Баҳодир ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

ПАРАОСИЁ ЎЙИНЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ 120 ТА МЕДАЛЬ БИЛАН УЧИНЧИ ЎРИНДА



Японияда бўлиб ўтаётган Аичи-Нагоя – 2026 Параосиё ўйинлари давом этмоқда. 23 октябрь куни ўтказилган баҳсларда ҳам параспортчиларимиз муваффақиятли иштирок этиб, жами 23 та медаль – 7 та олтин, 8 та кумуш ва 8 та бронзани қўлга киритишди. Қувонарлиси, терма жамоамиз аъзолари бир кунда олтита рекордни янгилашди. Шу тариқа, миллий терма жамоамиз ҳисобидаги медаллар сони 120 тага етди (38 таси олтин, 41 таси кумуш ва 41 та бронза). Айни пайтда Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида фахрли учинчи ўринни эгаллаб турибди.

Спортчиларимизнинг ушбу ютуқлари Ўзбекистон параспортининг юксак салоҳияти, спортчиларимизнинг матонати ва ғалабага бўлган интилишини яна бир бор намоён этди.

Барча ғолиб ва совриндор спортчиларимизни самимий муборакбод этамиз! Юртимиз байроғи янада баландларга кўтарилаверсин!



ФАОЛИЯТ

ХОДИМЛАР МАНФААТИ ВА ЭКОЛОГИК МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ УЧУН

Инсонга эътибор ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, энг аввало, соҳа ходимлари ҳамда масъулларнинг билим ва кўникмаларини оширишдан бошланади. Шу мақсадда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши томонидан кенг кўламли ўқув ва тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда. Жумладан, 2750 нафардан зиёд меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассислари ва касаба уюшмалари фаоллари учун ўқув-семинарлар ўтказилди, 528 нафар ходим бевосита меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқитилди. Иш жойларида техника хавфсизлиги, санитария-гигиена талаблари, шахсий ҳимоя воситаларидан тўғри фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида кўргазмали тарғибот материаллари тайёрланиб, корхона ва ташкилотларга етказилди.

Бироқ тарғиботнинг ўзи камлик қилади. Меҳнат ҳуқуқлари ва хавфсизлиги таҳлил ҳамда амалий назоратни талаб этади. Шу боис вилоятдаги муассасаларда иш ўринларининг норматив-ҳуқуқий ва техник талабларга мувофиқлиги мунтазам ўрганиляпти. Жараёнда 22 та корхонада 101 та камчилик мавжудлиги аниқланиб, барчаси бартараф этилди.

Айниқса, хотин-қизлар учун соғлом ва хавфсиз меҳнат муҳитини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоятдаги 14 та ташкилотда ўтказилган текширишлар натижасида аниқланган 124 та камчилик бўйича иш берувчиларга бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритилди ва ижроси таъминланди.

Оғир ва зарарли шароитларда меҳнат қилаётган ходимларни профилактик чора-тадбирлар билан ўз вақтида қамраб олиш касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир. Жорий йилнинг ўтган даврида 31 минг 215 нафар хизматчи иш берувчиларнинг 5,8 миллиард сўмдан ортиқ маблағлари эвазига мажбурий тиббий кўрикдан ўтказилди. 14 та корхонадаги 367 та зарарли иш ўрни аттестациядан ўтказилиб, ходимларни бепул сут ва сут маҳсулотлари, даволаш-профилактика озиқ-овқатлари ҳамда антисептик воситалар билан тизимли таъминлаш йўлга қўйилди.

Умуман олганда, жорий йилнинг 9 ойи давомида жамоа шартномаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими орқали ходимларга муносиб шароитлар яратиш учун 21,7 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Ишлаб чиқариш жараёнларида рўй берган бахтсиз ҳодисалар оқибатида жабрланганлар ҳамда уларнинг оилаларига 1,4 миллиард сўмдан ортиқ бир йўла тўланадиган нафақа, 32 миллион сўмдан зиёд ойлик зарар тўловлари ҳамда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақалари бўйича тегишли маблағлар тўлаб берилди.

Апрель ойида «Соғлом психологик-ижтимоий иш муҳитини таъминлайлик» шиори остида ўтказилган Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш ҳафталиги доирасида 25 мингга яқин касаба уюшмаси фаоллари, флешмоб ва челленжларда 300 дан ортиқ бошланғич ташкилотлар, «Заковат» интеллектуал ўйини ва танловларда минглаб ёш мутахассислар қатнашдилар. Тадбирлар якунида меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши натижа кўрсатганлар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Жорий йилнинг ўтган даврида 31 минг 215 нафар хизматчи иш берувчиларнинг 5,8 миллиард сўмдан ортиқ маблағлари эвазига мажбурий тиббий кўрикдан ўтказилди. 14 та корхонадаги 367 та зарарли иш ўрни аттестациядан ўтказилиб, ходимларни бепул сут ва сут маҳсулотлари, даволаш-профилактика озиқ-овқатлари ҳамда антисептик воситалар билан тизимли таъминлаш йўлга қўйилди.

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини кенг оммалаштириш ва корхоналарда экологик маданиятни юксалтириш мақсадида «Экологик фаол касаба уюшмаси жамоаси» кўрик-танлови ўтказилди. Унда беллашган 67 та бошланғич ташкилот орасидан Бухоро давлат техника университети, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Бухоро давлат тиббиёт институти каби етакчи жамоалар энергия самарадорлигини ошириш, чиқиндиларни саралаш ва ҳудудларни кўкаламзорлаштириш бўйича юқори кўрсаткичларга эришиб, танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

Мухтасар айтганда, вилоятда амалга оширилаётган ишлар инсон қадрини улуғлашга қаратилган тизимли сиёсатнинг амалий ифодасидир. Бу ҳар бир ишчи-хизматчининг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаб, хавфсиз ва фаровон меҳнат муҳитини шакллантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Азизжон ОМОНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича етакчи мутахассиси

САРҲИСОБ



МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН ҚАДРИ МУЖАССАМ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгашига келиб тушган мурожаатлар асосида ўтган тўққиз ойда иш берувчилардан ходимлар фойдасига жами 1 миллиард 138 миллион 751 минг сўм ундириб берилди.

Масалан, Пастдарғом туманидаги мактабларнинг бирида ўқитувчи бўлиб ишлаб келаётган Умид Жуманов рағбатлантириш масаласига етарлича эътибор қаратилмаётганидан шикоят қилиб, кенгашдан амалий ёрдам сўраган. Ўрганишлар жараёнида унинг иддаоси ўз тасдиғини топди. Туман молия бўлими билан олиб борилган музокаралар натижасида соҳа ходимларига 847 миллион 951 минг сўм устама пуллари ундириб берилди. Шунингдек, иштихонлик педагогларнинг шу масаладаги мурожаати ҳам ижобий ечим топди.

Умуман олганда, ўтган давр мобайнида 184 та мурожаат кўриб чиқилди. Шундан 99 таси жойида ҳал этилган бўлса, ҳуқуқий масалага оид 77 ариза юзасидан тегишли тартибда тушунтиришлар берилди.

Албатта, ҳар бир мурожаат ортида инсон қадри, унинг қонуний манфаатлари мужассам. Шундай экан, уларни ўз вақтида кўриб чиқиш, аниқланган камчиликларни тузатиш, пировардида, ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш касаба уюшмаларининг энг муҳим вазифаси бўлиб қолаверади.

Акбар АБДУСАИДОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши раиси ўринбосари

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ...

САВОЛ: Маҳалламизга туташ ҳудудда янги тураржойлар қуриш авж олган. Шу боис ҳамма ёқни чиқинди босиб кетган. Тупроқ уюми, темир-терсак, бетон қолдиқларини қўл билан йиғиштириб бўлмайди. Қурувчиларнинг бундай хатти-ҳаракатлари учун қонуний жавобгарлик борми?

Туробжон ВАҲОБОВ
Сергели тумани

ҚОНУНИЙ ЖАВОБГАРЛИК БОРМИ?

ЖАВОБ: Мазкур масала «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонун ва бошқа тегишли ҳужжатлар билан тартибга солинади. Уларда фуқаролар ва юридик шахсларнинг чиқиндилар билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Хусусан, «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонунга кўра, юридик шахслар чиқиндилар билан ишлаш жараёнида санитария қоидалари ва экологик талабларга риоя этишлари шарт. Шунингдек, аҳоли пунктларидаги умумий фойдаланиш жойлари, йўл четлари ва қатнов қисмига қурилиш ҳамда маиший чиқиндилар ташланишининг олдини олиши лозим. Агар чиқинди белгиланмаган жойга ташланган бўлса, уни олиб чиқиб кетиши ёки у билан боғлиқ харажатларни қоплаши керак. Бундан ташқари, фуқаролар ёки атроф-муҳитга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳам уларнинг зиммасида.

Фуқаролар ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун ҳам шунга ўхшаш мажбуриятлар белгиланган. Ушбу талабларни бузганлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда жарима чоралари назарда тутилган. Жумладан, чиқиндиларни белгиланмаган жойга ташлаш ёки суюқ маиший чиқиндиларни тўкиш фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 бараваридан 5 бараваригача, мансабдор шахсларга эса 50 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

Агар ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида такроран содир этилса, жарима миқдори ошади. Бунда фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 15 бараваригача, мансабдор шахсларга 100 бараваридан 150 бараваригача жарима солиниши мумкин.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

ТАДБИР

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ЎЗ ПРИНЦИПЛАРИГА СОДИҚ ҚОЛАДИ

«Янги ишга қабул қилинган ўқитувчи билан бир йиллик меҳнат шартномаси тузиш тўғрими? Нима учун у стажёр-ўқитувчи сифатида иш бошлаши керак? Нега бир йил ичида касбий сертификат олиши шарт? Бу талаблар меҳнат қонунчилигига қанчалик мос келади?».

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Хоразмда ўтказилган «Меҳнат ҳуқуқлари бўйича маслаҳат куни»да ўртага ташланган илк саволлар шу мазмунда бўлди. Унда касаба уюшмаси фаоллари, иш берувчилар, бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари етакчилари, кадрлар бўйича мутахассислар ва меҳнат қонунчилиги соҳасида фаолият юритувчи ҳуқуқшунослар қатнашдилар.

Федерациянинг Хоразм вилояти кенгаши раиси ўринбосари Камолжон Бекжонов кейинги йилларда анъанавий равишда ташкил этилаётган очиқ мулоқотлар ходимлар мурожаатларини бевосита ўрганиш, уларга малакали ҳуқуқий маслаҳат бериш ҳамда амалиётдаги тизимли камчиликларни аниқлашга хизмат қилаётганини, бугунги тадбир ҳам шу мақсадда уюштирилганини таъкидлади.

Тадбир доирасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, меҳнат муносабатларини тартибга солишда касаба уюшмаларининг вазифалари, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари муҳокама қилинди. Шу аснода Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг юридик бўлими мудири Ҳамидулла Премқулов ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Федерациянинг Меҳнат инспекцияси қошидаги жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш шуъбаси мудири Гузаля Рзаева эса фуқаролар мурожаатлари билан ишлашнинг аҳамияти, уларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш масалаларига тўхталди.

Мулоқот давомида меҳнат қонунчилигига оид кўплаб саволларга масъуллар батафсил жавоб беришди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
«ISHONCH»



ТОВОН УНДИРИЛДИ, ҲУҚУҚ ТИКЛАНДИ

Меҳнат жараёнида рўй берган бахтсиз ҳодиса ёки орттирилган касб касаллиги инсон ҳаёти ва саломатлигига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай вазиятларда касаба уюшмалари жабрланган ходимнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, унга амалий кўмак беришда фаол бўлиши керак. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши меҳнат техник инспекцияси ҳам бу борада салмоқли ишларни амалга оширмоқда.

Яқинда Жарқўрғон туманида яшовчи фуқаро Эркин Абдураимовнинг мурожаатини ваколатимиз доирасида ўргандик. Маълум бўлишича, «Сурхон Цемент Инвест» МЧЖда хомашёни майдалаш ускунаси оператори вазифасида ишлаб келган Э. Абдураимов ўтган йил 30 ноябрь куни иш вақтида йиқилиб, чап оёғи икки жойидан синган ҳамда бош қисмидан жароҳат олган. Зарур ёрдамлар кўрсатилиб, шифохонада даволангач, унга тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси хулосасига кўра, II гуруҳ ногиронлиги белгиланган ва касбий меҳнат қобилиятини 60 фоизга йўқотган, деб топилган. Бироқ иш берувчи томонидан қонунчиликда белгиланган бир марталик нафақа ва ҳар ойлик товон пули ўз вақтида тўланмаган.

Шу боис касаба уюшмаси томонидан ходимнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича ташкилотга тегишли тақдимнома киритилди. Натижада Э.Абдураимовга қарийб 38,5 миллион сўм бир марталик нафақа, шунингдек, ҳар ой учун 1 миллион 923 минг сўм миқдорида товон пули тўлаб берилди.

Яна бир мурожаат Мирзамалик Абсаматовнинг ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлди. У Денов туманидаги «Хайробод пахта тозалаш» АЖда ишлаётганида майиб бўлган ва касб касаллигига чалинган. Шунга кўра, унга умрбод II гуруҳ ногиронлиги белгиланган. Корхона томонидан ҳар ой тўланиши лозим бўлган товон пули эса 1 январдан 30 июнга қадар тўланмаган.

КАСАБА УЮШМАСИ АРАЛАШГАЧ...

Мурожаат ва тақдим этилган ҳужжатлар ўрганилганда корхона ходимга ҳар ой 3 МИЛЛИОН 892,5 МИНГ сўмдан, олти ой мобайнида эса 23 МИЛЛИОН 355 МИНГ сўм миқдорида товон пули тўлаши лозимлиги аниқланди. Бундан ташқари, Меҳнат кодексининг ходимга иш ҳақи ва бошқа тўловларни кечиктирганлик учун иш берувчининг моддий жавобгарлигини белгиловчи 333-моддаси асосида 24 МИЛЛИОН 741 МИНГ сўм компенсация ҳисобланди. Пировардида ходим манфаатларини кўзлаб, «Хайробод пахта тозалаш» АЖдан тўланмай қолган товон пули ва компенсацияларни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суднинг 2026 йил 7 августдаги ҳал қилув қарори асосида М. Абсаматов фойдасига қарийб 53,1 МИЛЛИОН сўмлик товон пули, компенсация ва маънавий зарар маблағлари ундириб берилди.

Бу каби амалий ишлар касаба уюшмаси фақатгина меҳнат жамоаларида эмас, балки қийин вазиятга тушган ҳар бир ходимнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳам ишончли кўмакчи эканини англатади.

Эркин МЕНГЛИЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори

Батафсил маълумот олиш учун «Ishonch»нинг Телеграм каналига ўтинг:



ПАРИЖДА ФРАНЦИЯЛИК ЖУРНАЛИСТГА «ОЛТИН ҚАЛАМ» МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ



ТОШКЕНТ БОЗОРЛАРИДА «КОМПЛЕКС ТЕКШИРУВ» ОЛИБ БОРИЛАДИ

ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

ВАТАН КЕЛАЖАГИГА СТРАТЕГИК САРМОЯ КЕРАК

Иккинчи мақола



БОШҚАЛАР НИМА ҚИЛЯПТИ?

Мутолаа маданиятига оид муаммолар ечимини излаганда, бошқаларнинг тажрибасига ҳам эътибор қаратиш шарт. Улар китобни ёзишдан тортиб ўқувчига етказишгача бўлган ишларни қандай йўлга қўйишган?

Масалан, Германия миллий почта хизмати газета-журналлар учун Матбуот логистикаси хизматини юритади. Немислар газетани оддий жўнатмага қўшиб юборишмаган, унга алоҳида хизмат ажратишган. Компания маълумотига кўра, йилига қарийб 1,2 миллиард дона матбуот жўнатмаси тарқатилади. Федерал сиёсий таълим марказининг «Сиёсий маърифат учун маълумотлар» (Informationen zur politischen Bildung) журналига обуна бепул, почта ҳақи ҳам олинмайди. Йилда тўрт бор чиқадиган бу нашр юқори синф ўқувчилари, талабалар, медиа соҳаси вакиллари ва сиёсатга қизиққан кишиларга мўлжалланган. Қаранг, ҳатто капиталистик тизим йўлидаги Германияда ҳам маърифий журнални бепул етказиш бозор иқтисодиёти талабига зид эмас экан. Биз ***даврий нашрни етказишга шундай жиддийлик билан қарай олмаймизми?***

Норвегия Маданият кенгаши эса янги китобларни харид қилиб, кутубхоналарга тарқатади. Мақсад яхши адабиёт яратилиши, нашр қилиниши ва бутун мамлакатда ўқилишини таъминлашдир. Ҳар қандай китобни эмас, белгиланган шарт ва сифат мезонларига мосини сотиб олишади, албатта. ***Норвегия тажрибасидан келиб чиқсак, бизга ҳам китобни фақат чоп этишдан кўра, кутубхонагача етказадиган харид тизими зарур.***

Швециянинг «Адабиётни қўллаб-қувватлаш гранти» дастуридан ёрдам олган ношир нашр этган китобларининг маълум қисмини тарқатувчига топшириши шарт. Бу китоблар тўғридан-тўғри Швециядаги 290 коммунанинг марказий халқ кутубхоналарига юборилади. Натижада китоблардан мамлакатнинг энг чекка ҳудудидаги оддий аҳоли ҳам бепул фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Қолган нусхалар эса қонунчиликка асосан Скандинавия минтақасидаги ўзаро маданий алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида Исландия ва Фарер оролларидаги Шимолий Европа уйларига, шунингдек, Гренландия ҳамда Аланд оролларидаги Шимолий Европа институтларига мутлақо бепул юборилади.

Буюк Британияда жамоат кутубхоналарида китоб бериш ҳуқуқи (Public Lending Right – PLR) тизими мавжуд. Бунда давлат томонидан ёзувчилар ва китоб рассомларига махсус пул мукофоти тўланади. Кутубхоналардан одамлар китобларни бепул олиб ўқигани учун давлат ўша китоб муаллифларига ҳар йили маблағ ажратади. Бу тизимнинг мақсади ёзувчиларни моддий қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Энг муҳими, ўша пуллар давлат томонидан тўланади. Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб давлатлари, хусусан, Европа мамлакатлари, Буюк Британия ва Канадада шу тизим ишлаяпти. Баъзиларида пул китобнинг кутубхонадан неча марта олиб ўқилганига қараб тўланса, бошқаларида кутубхона жавонларида ўша китобнинг нечта нусхаси борлигига қараб ҳисобланади. Тизим электрон ва аудиокитобларни ҳам қамрайди, ҳисоб кутубхоналардан олинган маълумотларга таянади.

English PEN ташкилотининг PEN Translates дастури Британиядаги ноширларга таржима харажатининг 75 фоизигача, айрим кичик ноширларга 100 фоизигача ёрдам кўрсатади. Канада китоб жамғармаси маҳаллий муаллифлар китобларини нашр этиш, реклама қилиш ва тарқатишга ёрдам беради. Таҳрир, дизайн, босиш, гонорар, қадоқлаш ва жўнатиш харажатлари ҳам қўллаб-қувватланади. Чунки ношир сифатли китоб чиқариши учун унинг харажатини енгиллаштириш лозим.

Франциянинг 1981 йилги қонунига мувофиқ, китоб нархини ношир ёки импортчи белгилайди. Чакана сотувчи, одатда, 5 фоизгача чегирма бера олади. Маданият вазирлиги буни китобдан тенг фойдаланиш, ҳудудларда дўконлар тармоғини сақлаш, ижод ва нашр хилма-хиллигини қўллаш билан изоҳлайди. Франция институти ташкилоти 2024 йили хорижда нашр ҳуқуқларини олишга кўмаклашувчи дастур орқали 53 мамлакатда 267 та лойиҳага 386 минг евро ажратган. Япония жамғармаси ташкилоти хорижий ноширлар учун Японияга оид китобларни таржима қилиш ёки нашр этиш харажатининг бир қисмини қоплайди. Таржимон ҳақидан ташқари, қоғоз, босиш ва муқовалаш ҳам ҳисобга олинади.

Халқаро тажриба мисолида санаб ўтилган бу ишларни битта давлатда тўлиқ ишлайдиган ягона тартиб деб бўлмайди. Аммо унда биз учун керакли сабоқ бор: китобнинг нашри, хариди, етказилиши ёки муаллиф меҳнати давлат томонидан қўллаб-қувватланяпти.

Электрон мутолаани ташкил этишда ҳам амалий тажрибалар мавжуд. Финляндияда Миллий кутубхона ва оммавий кутубхоналар ҳамкорлигидаги E-library хизмати 2024 йил 29 апрелда иш бошлаган. Унга қўшилган муниципалитетларда яшовчилар электрон китоб, аудиокитоб ва рақамли даврий нашрлардан ягона илова орқали фойдаланиш имконига эга. Бу хизматни бутун аҳолига шартсиз очилган ресурс деб талқин қилмаслик керак, фойдаланиш яшаш ҳудудининг тизимга қўшилганига боғлиқ. Аммо унинг бизга керакли жиҳати аниқ: ҳудудлар эҳтиёжи умумий хизматда жамланади, маҳаллий кутубхона электрон муҳитда ҳам китобхонга хизмат қилаверади.

Сингапур Миллий кутубхоналар кенгаши – NLB эса ўз электрон фондидан NLB Mobile ва Libby орқали китоб олиб ўқиш ёки тинглаш имконини беради. Расмий қўлланмада Libby орқали китобларни қурилмага юклаб, интернетсиз ўқиш тартиби ҳам кўрсатилган. Демак, электрон хизматни доимий интернетга қарам қилиб қўймасдан ҳам ташкил этиш мумкин.

Бу тажрибалардан биз учун чиқадиган сабоқ шу: электрон кутубхона сайтга жойланган файллар йиғиндисига эмас, китобхоннинг кундалик эҳтиёжига хизмат қиладиган тизимга айланиши керак. Асарни топиш, қонуний фойдаланиш, қулай ўқиш ва керак бўлса, кутубхоначи ёрдамини олиш бир-бирига боғлансин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига асосан, мамлакат фуқароларига ижод эркинлиги ва маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади, маданий, илмий ва техникавий ривожланиш таъминланади. 78-модда боланинг ақлий-маданий камолотига, 79-модда ёшларнинг интеллектуал ва ижодий ривожланишига шароит яратишни назарда тутади. Бу ҳар қандай китоб, газета ё журнални ҳар бир кишига бепул тарқатиш шарт, дегани эмас. Аммо нарх, масофа, етказиш қийинлиги ёки электрон нусхадан фойдаланишдаги тўсиқлар одамларни мутолаа маданиятини ўзлаштиришдан узиб қўяётган бўлса, шу тўсиқни бартараф этишнинг қонуний ва молиявий чораси кўрилиши лозим.

ЭЛЕКТРОН МУТОЛААГА ҚАНДАЙ ШАРОИТ КЕРАК?

Назаримизда, электронлашишни мутолаа сиёсатининг марказига олиб кириш керак. «Мутолаа» сингари ишлаб турган платформалар, кутубхоналарнинг электрон фондлари ва нашриётларнинг қонуний савдо имкониятлари бор экан, ҳар бир идора яна битта илова яратишга шошилмасин. Миллий кутубхона, Ёшлар ишлари агентлиги, таълим муассасалари ва ноширлар мавжуд ресурсларни умумий қидирув каталоги орқали топиладиган қилиб боғлашни муҳокама қилиши мақсадга мувофиқ. Китобхон асар қайси идора тасарруфидаги сайтда турганини олдиндан билишга мажбур бўлмасин. У муаллиф исм-фамилияси ёки асар номини киритган заҳоти қонуний ўқиш мумкин бўлган манзилига етиб боришини тўлиқ таъминлаш лозим.

Бу ерда файлнинг сифати ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Майда ҳарфли, қийшиқ сканерланган саҳифани телефонга юбориб, «китобни электронлаштирдик» дейиш осон (кутубхоналаримиздаги сифат эса ҳозирча шундай). Аммо ўқувчи ҳар бир сатрни катталаштириб, экранни у ёқдан бу ёққа суриб ўтирса, мутолаадан безиши мумкин.

Электрон нашр матни таҳрир қилинган, қидириш имконига эга, ҳарфлари катталаштириладиган ва экранга мослашадиган бўлиши лозим. У қўшни давлатларда яшайдиган ўзбеклар ҳам фойдалана олиши учун кирилл ва лотин ёзувларида тайёрланиши зарур.

Электрон китоб бепул яратилмайди. Қоғоз, босиш ва жўнатиш сарфи камайса-да, уни яратишда муаллиф, таржимон, муҳаррир, мусаҳҳиҳ, диктор ҳамда техник хизмат талаб этилади. Шу боис ҳар бир янги нусхани етказиш арзонлашишини асарни яратиш харажати йўқолиши билан адаштирмаслик зарур. Давлат сифатли электрон асардан аҳолининг бепул ё имтиёзли фойдаланиши учун лицензия сотиб олиши мумкин. Бунда китобхонга қулайлик яратилади, ижодкор ва ноширнинг меҳнатига ҳам қонуний ҳақ тўланади. Ҳақ тўлаш механизми бу ишнинг иқтисодий таянчидир.

Ушбу мулоҳазалар билан бир қаторда, телефонга китоб юклаш имконининг ўзи ҳаммага етарлими, деган саволга ҳам жавоб бериб кетиш шарт. Қурилмаси йўқ, интернети қиммат ё электрон хизматдан фойдаланишни билмайдиган киши учун экран ҳам янги тўсиққа айланади. Ҳудудий кутубхоналар ва мактабларда интернетга уланган ўқиш жойлари, қурилмадан вақтинча фойдаланиш, кутубхоначи ёрдами ҳамда лицензия шартлари доирасида асарни интернетсиз ўқиш учун юклаб олиш имконияти яратилса, «электронлашиш» янада кенгаяди. Кам таъминланганлар учун бундай хизматнинг сарфи бюджет буюртмасига алоҳида киритилиши айни муддаодир. Ота-она ёки ўқитувчининг иштирокини ҳам дастурга киритиш даркор. Таълим муассасаларида матнни англаш ва манба ишончлилигини текширишга бағишланган мунтазам машғулотлар бўлса, мутолаа мунтазам давом этади.

Электрон муҳитнинг яна бир шарти – диққат. Китоб очилган экранда хабар, реклама ва навбатдаги қисқа видео ҳам ўқувчини чалғитади. Шунинг учун мутолаа иловаларида чалғитувчи рекламасиз ўқиш, билдиришномаларни чеклаш, хатчўп қўйиш ва ўқилган жойдан давом этиш имкониятлари устувор бўлиши даркор. Токи, ўқувчи қаҳрамонни англасин, воқеани баҳоласин.

Газета ва журнал таҳририятларининг электронлашиши учун ҳам аниқ кўмак зарур. Нашрнинг мазмуни, архиви, обуначи билан алоқаси ва тўлов хизмати бир бутун маҳсулот сифатида ишлаши керак. Газета саҳифаси суратини мессенжерга ташлаш билан барқарор электрон нашр яратилмайди. Ноширлар ва журналистлар уюшмалари рақамли таҳрир, архивлаш ва қонуний электрон обуна бўйича амалий ўқувлар ташкил этсалар, бу жараён янада кенгаяди.

Электрон мутолаани ривожлантиришда сифатли матн, қонуний ҳақ тўлаш, қулай хизмат, тенг фойдаланиш ва ўқишни ўргатиш биргаликда ишлаши керак. Шу ҳалқалар боғланса, электронлашиш китобхонни йўқотиш хавфига жавоб берадиган амалий имкониятга айланади.

Яна бир гап. Бугун босма даврий матбуотнинг бир йиллик нархи чиндан осмонда. Оқибатда аксарияти обуна масаласида «кун кўрмай» ўтяпти. Агар босма даврий нашрлар электрон обунани йўлга қўйса, ўқувчи учун «сариқ чақага» ўқиш имкони яратилади. Мисол учун, битта электрон газетанинг йиллик обунаси 120 000 сўм бўлиши мумкин. Тасаввур қилаяпсизми, 120 000 сўм. 1 200 000 сўм эмас. Обуначилар сони миллионга етган ҳолда, таҳририятнинг обуна учун жамлаган маблағи 120 000 000 000 сўмни ташкил этади. Бу обуна ўн баробар арзонлашиб, даромад ўн баробар ошади дегани. Айни кунларда маълум бир имтиёзлардан фойдаланган ҳолда обунани 35 000 – 40 000 нусхада ушлаб турган таҳририятлар ҳам бунчалик маблағ жамғараётгани йўқдир. Таҳририятга ҳам, ўқувчига ҳам шу керак эмасми?

АНИҚ ТАКЛИФЛАР

Бизнингча, аввало, қайси мактаб ё кутубхонага қандай китоб, қандай газета, қандай журнал кераклигини аниқлаш зарур. Кейин улар харид қилиниб, манзилга етказилади. Муаллиф ҳақи ҳам, сарфланган пул ҳисоби ҳам унутилмаслиги керак. Бу ишларга ким жавоб бериши аниқ бўлмаса, яна ҳисобот ёзиш билан овора бўлиб юраверамиз. Мактаблар, олий ўқув юртлари, Миллий кутубхона ва ҳудудий кутубхоналар ўқувчи ёши, сўралаётган мавзулар, мавжуд нусхалар ва фойдаланишни ҳисобга олиб буюртма бериши лозим. Буюртмада босма нусха, электрон лицензия ва аудиокитобга эҳтиёж алоҳида кўрсатилиши, қайси шакл китобхонга қулай ва иқтисодий жиҳатдан мақбул эканини ваколатли идора электрон рўйхатда жамлаши мақсадга мувофиқ.

Кам сўралган, аммо тарихий ё илмий қиммати бор асар, газета ё журнални ҳам фақат савдо рейтинги билан четга сурмаслик керак. Танловда адиб, олим, таржимон, журналист ва кутубхоначи қатнашган кенгашлар ҳар йўналишни ўз мезони билан баҳолаши шарт. Таркиб, балл, манфаатдорлик ва шикоят натижаси очиқ бўлиши зарур. Токи, харид шу эҳтиёж ва баҳога таянсин. «Миллий китоб хариди ва электрон лицензиялаш жамғармаси» ташкил этилиб, барча кутубхонага бир хил китоб, газета ёки журнал жўнатиш ўрнига, манзилнинг талабини ҳисобга олиш жоиз.

Босма маҳсулот омбордан чиқиши билан иш битмайди. Муассаса қабул қилгандан кейингина, у етказилган ҳисобланади. Демак, жўнатманинг кузатиш рақами ва қабулнинг электрон тасдиғи шарт. Газета-журналда ҳам муддат, кечикиш, шикоят ва пул қайтарилиши алоҳида кўзда тутилиши лозим. Электрон лицензия харидида ҳуқуқ эгаси билан муддат, фойдаланиш усули, бир пайтдаги ўқувчилар сони, интернетсиз ўқиш имкони ва тўлов тартиби аниқ келишилиши зарур.

Шартномада муаллиф ва таржимонга аниқ ҳақ белгилансин. Ноширдан босма нусха сотиб олиш пули муаллифга автоматик ўтмайди, унинг гонорари алоҳида шартномага боғлиқ. Электрон лицензия ва кутубхонада фойдаланиш учун тўлов тартиби ва кечикиш учун масъулият ҳам олдиндан келишилиши жоиз.

Кутубхонадан китоб берилгани у ўқиб тугатилганини англатмайди. Электрон асар очилиши ҳам мутолаа эмас. Шунинг учун етказиш, фойдаланиш ва ўқувчининг таассуротини алоҳида баҳолайлик. Ихтиёрий, шахссиз сўровлар ҳам ёрдам беради. Мақсад – одамни кузатиш эмас, хизматнинг ҳақиқий фойдасини билиш. Харидлар, эксперт баллари, нархлар, манзиллар, лицензиялар ва умумлаштирилган фойдаланиш ҳисоби очиқ саҳифада туриши, сохта мурожаатлар билан рақам кўпайтиришга йўл қолмаслиги лозим. Парламентнинг бунга масъул қўмитаси натижани эшитиши, молиявий назорат маблағни текшириши мақсадга мувофиқдир.

Жамғарма деган номнинг ўзи ечим эмас. Назаримизда, давлат бюджетида мақсадли маблағ, қонуний грантлар, тенг танлов, манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш ва мустақил шикоят тартиби белгиланиши даркор. Янги идора тузишдан аввал бу ишни мавжуд муассаса бажара оладими, шуни ҳам ҳисобга олайлик. Аҳолига бепул ё имтиёзли фойдаланиш имкони яратилса ҳам, ижодкор меҳнати ҳақсиз қолмасин. Ҳукумат дастлаб турли шароитдаги бир нечта ҳудудда бир йиллик синовни йўлга қўйса, таклифнинг харажати ва фойдаси кўринади. Харид, етказиш, ҳуқуқлар ва бошқарув сарфи олдиндан ҳисобланиши, буюртмачи, оператор ва текширувчи белгиланиши лозим. Электрон қисмда қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг фойдаланиши, қурилма ва интернетга эҳтиёжи, муаллифга ҳақ тўлаш муддати ҳамда ихтиёрий тадқиқотлардаги матнни англаш натижалари ҳам баҳоланиши мақсадга мувофиқ.

Албатта, мутолаа маданияти ривожига амалий кўмак берадиган алоҳида қонун керак. Аммо яна бир қонун қабул қилиш билан иш битмайди. Айни вақтда кутубхоналарни молиялаштириш ва фойдаланишга оид қоидалар мавжуд. Амалдаги қонунларни бир-бирига боғлаб ўзгартириш керакми ё мутолаа ва нашрлар инфратузилмаси ҳақида алоҳида қонун ишлаб чиққан маъқулми?

Назаримизда, *янги қонунга оид ташаббус Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, Фанлар академияси ва унинг институтлари, Республика Маънавият ва маърифат маркази, ноширлар, таржимонлар, кутубхоначилар, савдо ва энг фаол электрон платформаларнинг вакилларидан ҳам чиқиши керак.* Уларнинг ишчи гуруҳи далил, ҳисоб-китоб ва ҳуқуқий таклифларни тайёрлагани маъқул. Парламент қўмиталари ва фракциялари, жумладан, «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси бу муҳокамада қатнашиши мумкин. Аслида, бу бир партиянинг масаласи эмас, миллатнинг мутолаа муҳити ҳақидаги умумий ташвиши, демакки, барча партияларга дахлдордир.

ПАРЛАМЕНТ БЕРИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН САВОЛЛАР

Парламентда ҳам «Катта эътибор бериляпти» деган гапнинг ўзи билан чекланмайлик. Қанча китоб, газета ё журнал чиққанини сўрагандан кейин унинг қаерга борганини, ким фойдаланганини ҳам сўрайлик. Умуман, қуйидаги саволларга жавоб олиниши керак, чамамда:

Бир йилда босилган китоб ва даврий нашрларнинг қанчаси сотув, кутубхона, обуна ва бошқа қонуний йўллар орқали ўқувчига етиб бормоқда? Ҳудудлар ўртасидаги фарқ қанча? Давлат сотиб олган ҳар юзта китобдан нечтаси манзилига етган, нечтаси камида бир марта фойдаланишга берилган, нечтаси йил бўйи сўралмаган? Электрон ва аудиокитобларга нечта лицензия олинган, такрор санамаганда неча киши фойдаланган? Ҳар фойдаланиш давлат ё платформага қанчага тушган, муаллиф, таржимон ва бошқа ҳуқуқ эгалари қанча ҳақ олган? Қурилмаси ё интернети йўқ китобхон учун қайси хизмат яратилган? Босма ва электрон шаклда ўқийдиган кишиларни икки марта санамасдан, умумий мутолаа қамровини қандай аниқлаймиз? Электрон ресурс очилишидан ташқари, матнни англаш ва мунтазам ўқишда қандай ўзгариш бор? Обуна қилинган газета-журналларнинг неча фоизи вақтида етказилган? Қаерда кечикиш кўп ва бунинг учун ким жавоб беради? Мутолаадан узилиш миллий хотира ва мустақил фикрга хавф туғдирса, давлат, оила, мактаб, кутубхона, ношир ва оммавий ахборот воситалари қайси аниқ вазифани зиммасига олади? Харид, етказиш, электрон лицензия, муаллиф ҳақи, даврий матбуот тарқатилиши ва очиқ ҳисобни амалдаги қонунларни ўзгартиш билан йўлга қўямизми ё буларни бирлаштирувчи янги қонун керакми? Бу борада ҳукумат ҳар йили парламент ва жамоатчиликка қайси натижалар юзасидан ҳисобот беради? Иш кутилганидек бўлмаса, уни тузатиш учун қайси идора жавобгар?..

Юқоридаги саволларга умумий мақтов билан эмас, рақам, манзил ва аниқ амалга оширилган ишлар билан жавоб берилиши лозим.

МУТОЛАА ҚАЧОН СТРАТЕГИК САРМОЯГА АЙЛАНАДИ?

Давлатимиз раҳбари 2026 йил 22 майда Миллий китобхонлик ҳаракатини бошлаб, китоб ўқийдиган одамнинг теран фикри жамиятни ўзгартириши мумкинлигини алоҳида таъкидлади. Мутолаа маданиятини шакллантириш миллат келажаги ва мамлакат рақобатбардошлигига сабаб бўлади, деб ҳисоблашини ҳам айтди. **«Мен ушбу дастурни шунчаки китоб ўқиш мусобақаси эмас, балки жонажон Ватанимиз келажаги учун стратегик инвестиция деб биламан»** деган сўзлари эса ушбу мақоламизга сарлавҳа бўлди. Биз бу ташаббусни қўллаб-қувватлаймиз. Энди унинг ҳар бир ҳудуддаги амалий натижаси ҳам кўриниши керак. Токи электронлашиш билан мутолаага ўргатишнинг суръати бир-бирига мос келсин. Президент китобхонликни Ватан келажаги учун стратегик вазифа, деб белгилаган экан, энди унинг ҳуқуқий ва иқтисодий чораларини пухта ишлаш, жамоатчилик кўз ўнгида бажариш зарур.

Бу таклифлар шу мақсадлардан бир қаламкаш чиқарган хулосалар, очиқ муҳокама учун мавзу сифатида қабул қилинади, деган умиддаман.

Мақола бошидаги тақдимотни яна бир эсланг. Залда юз киши, минбарда мақтов, анжуманда алқов. Аммо ўша китобни чиндан неча нафар одам ўқиган?

Бу савол давлат харидига ҳам, босма ва электрон обунага ҳам, уларни етказиб бериш билан шуғулланувчиларга ҳам дахлдор. Ватан келажагига тикилган сармоянинг натижаси мана шу жавобларда кўринади.

Азиз зиёлилар, энди навбат сизга. Бу ерда ҳар биримизнинг сўзимиз, амалимиз муҳим. Унутмайлик, босма нашрлар эрасининг сўнгги бекатидан кейин ҳам мутолаа давом этаверади. Шу йўлда китобхонни асар, билим ва мустақил фикрга бошлаб бориш эса барчамизнинг вазифамиздир.



Абдулҳамид МУХТОРОВ

Батафсил маълумот олиш учун «Ishonch»нинг Телеграм каналига ўтинг:



БЕМОР БОЛАНИ ПАРВАРИШЛАГАНЛИК УЧУН «БОЛЬНИЧНЫЙ» ПУЛИ ТЎЛАНАДИМИ?

ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН U-20 ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛАДИ

АЖАБ СИРЛАР

БЕНУҚСОН ОБРЎГА ЭГА МУДИРАЛАР КОРПУСИ

Уни қанча муддатда шакллантириш мумкин?

2017 йил кузларида болалар боғчалари тизими Халқ таълими вазирлигидан ажратилиб, Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Янги вазирлик дастлабки ишни барча муассасаларни хатловдан ўтказишдан бошлади. Бу юмуш тендерда ғолиб бўлган МЧЖ зиммасига юклатилди. Ўз навбатида, у амалдаги қонун-қоидаларни, хат-ҳужжатларни яхши тушунадиган турли соҳа мутахассисларини 10 кунлик хатлов жараёнини ўтказиш учун қонуний шартнома асосида ёллади.

Дўстлар тавсиясига кўра, ўша дамларда меҳнат таътилида юрган камина ҳам 8 кишилик ишчи гуруҳ таркибига қўшилди. Бунга розиликнинг сабабларидан бири хатлов учун бериладиган маблағдан ҳам кўра, боғчалардаги вазият билан яқиндан танишиб, пичоққа илинадиган бирорта таҳлилий мақола тайёрлаш эди.

Бизнинг вазифамиз ўзимиз борган боғчанинг жонли жойлашувини планшетга киритиш, бинонинг ташқи қиёфасидан ётоқхонаси, ошхонасию ҳожатхонасига қадар белгиланган ракурсларда суратга тушириш, шунингдек, сўровномадаги 100 га яқин саволга жавоб тайёрлашдан иборат эди.

Мен ўн кун давомида 80 дан зиёд муассасага кириб чиқдим. Зиммамдаги вазифани адо этиш баробарида мудиралар, тарбиячилар, энагаю ошпазлар билан суҳбатлашдим. Уларнинг тизим аҳволини яхшилаш ҳақида куюнчаклик билан айтган тавсияларини, дарду ҳасратларини ҳам эшитдим ва ён дафтаримга ёзиб қўйдим.

Мулоқотлар жараёнида сездимки, раҳбарлар орасида узоқ йиллик ҳаётий тажрибага эга, ҳудудда обрўси баланд, билим ва савияси ҳам шунга монанд мутахассислар қатори бу курсида кимларнингдир паноҳида, таниш-билишчилик билан ўтирган, ўзини тутиши, кийинишидан таълим вакилидан кўра, катта саҳнага чиқишга шайланаётган моделчи қизларни эслатадиган етакчилар ҳам анчагина экан. Бошқа йўналишлар бўйича муассасаларни ўрганган сафдошларим ҳам шундай фикрлар билдиришди.

Айниқса, туманларнинг бирида битта уруғдан бўлган олти киши олтита боғчага раҳбарлик қилаётгани барчамизни ҳайрон қолдирди. Қайнона билан келин икки муассасага етакчилик қилади, шу оилага дахлдор яна бир мудиранинг ҳолаваччаси эса ёндош ҳудуддаги ташкилотни бошқаради...

Ишни якунлагач, умумий хулосамиз шу бўлдики, аксарият муассасалар раҳбарлари ё қизини, ё келинини ёки жиянини бошқа бир ташкилотга мудираликка тайинлашга очиқча интилиши, жуда кўп ҳолатларда бу истак амалга ошиши анъанага айланибди. Ҳозир ҳам вазият шундай.

Бир боғча мудираси ўз фаолияти билан боғлиқ камомад ва бошқа қилмишлари туфайли судланиб, маълум муддатга раҳбарлик лавозимида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилса, жазо муддати ўталгунга қадар унинг ўрнига қизини мудираликка тайинлаш ҳолатлари ҳам кўзга ташланди. Гўёки давлат муассасаси қиз учун онамеросу, нима бўлса ҳам бошқа бировнинг бошқарувига ўтиб кетмаслиги керак. Қизиғ-а?

> **Назаримизда, соҳадаги бугунги ўзгаришлар мудираларнинг шу лавозимга лойиқлигини кўриб чиқишдан бошланиши керак. Очиқ фикрли зиёлилар, жамоатчилик орзуси шуки, мудираликка тайинловга турли соҳалардаги амалдорлар-у «акахон»ларнинг қўли етмайдиган тизим яратилса?! Бу лавозимга тавсия этилаётганлар тегишли малака синовларидан ўтишдан аввал худди судьяликка номзодлардан талаб этиладиган мезонлардан бири – «жамиятда бенуқсон обрў-эътиборга эга бўлиши зарур» деган тамойил асосида кўриб чиқилса?! Яна бир шарт: раҳбарликка номзод, албатта, намунали оила бекаси ва камида уч йил тарбиячи сифатида самарали ишлаган бўлса?!**

Бугун от етиб бормаган жойга гап етиб боради. Бир неча йил боғча етакчилик қилиб, пенсияга чиқишга оз вақт қолганда ўз ўрнига, агар бунинг имкони бўлмаса, бошқа бир боғчага қизини раҳбар этиб тайинлаш учун таниш-билиш ахтарадиган аксарият мудираларнинг шаблон баҳонаси тайёр. Нима эмиш, «Тизимда шунча йил хизмат қилиб, битта фарзандимни мудираликка тайинлашга ҳақим йўқми?»

Энди ҳақли савол туғилади: зўр бериб, тўрт тарафдан «танка» излаб, раҳбарликка тавсия этилаётган, мудиралик орзусидаги мутахассиснинг салоҳияти шу қадар баланд экан, нега иқтидорини илм-фанда, олий таълимда, бошқа соҳаларда синаб кўрмайди?

Яна бир масала раҳбарларнинг хулқ-атвори билан боғлиқ. Яқинда тажрибали, вилоятда ўзига яраша мавқега эга боғча етакчиси «Бир гуруҳ ахлоқсиз ёш ҳамкасбларимиз дастидан бирор кишига ўзимизни «мудираман» деб таништиришга уяладиган бўлиб қолдик. Айримлар «мудира», деса, енгилтабиат аёлга қарагандай муносабатда бўлишяпти. Ижтимоий тармоқлардаги гап-сўзларни ҳам эшитаётгандирсиз», деб қолди.

Дарвоқе, телеграмдаги жуда кўплаб аноним каналларда асосан даъвоси пуч ёки бир томонлама ёзилган эътирозли чиқишлар, бўҳтон ва иғволардан иборат материаллар эълон қилинади. Орасира аниқ далилларга асосланган иддаолар, видеолавҳалар ҳам чиқиб турадики, масала маорифга тааллуқли бўлгани учун ишончлилигини беихтиёр текшириб кўрасиз.

Икки ҳафта аввал тармоққа сиздирилган видеолавҳада 30-35 ёшлар оралиғидаги бир жувон ва бир йигит очиқ бассейн ёқасида қийшанглашиб, аёл шерикларини «Сувга бўктирамиз», дея ножўя хатти-ҳаракатлар қилишяпти. Лавҳани ўн минглаб одамлар кўрибди. Изоҳларнинг бирида бегона эркак билан шакаргуфторликка борган иккала жувон Андижондаги боғча мудиралари экани қайд этилган. Тизимнинг бир неча вакилларига алоқага чиқиб, суриштирдик – маълумотлар рост экан. «Ҳа, энди орамизда шунақа тарбиясиз «тарбиячи»лар ҳам бор-да...» дейишди улар хижолатомуз оҳангда.

Афсуски, бу ягона мисол эмас. Изласангиз, ундан баттар ҳолатлар «ажи-и-и» дея чиқиб келаверади. Майли, ҳамманинг шахсий ҳаёти ўзиники, уни муҳокама қилиш яхши эмас. Аммо масаланинг таълимга боғлиқ жиҳати борлиги учун, хоҳлаймизми-йўқми, мавзу жамоатчиликнинг, хусусан, ота-оналарнинг эътирозига сабаб бўляпти.

Назаримизда, соҳадаги бугунги ўзгаришлар мудираларнинг шу лавозимга лойиқлигини кўриб чиқишдан бошланиши керак. Очиқ фикрли зиёлилар, жамоатчилик орзуси шуки, мудираликка тайинловга турли соҳалардаги амалдорлар-у «акахон»ларнинг қўли етмайдиган тизим яратилса?! Бу лавозимга тавсия этилаётганлар тегишли малака синовларидан ўтишдан аввал худди судьяликка номзодлардан талаб этиладиган мезонлардан бири – «жамиятда бенуқсон обрў-эътиборга эга бўлиши зарур» деган тамойил асосида кўриб чиқилса?! Яна бир шарт: раҳбарликка номзод, албатта, намунали оила бекаси ва камида уч йил тарбиячи сифатида самарали ишлаган бўлса?!

Ишонамизки, янги вазирлик айни жиҳатларни назарда тутувчи механизмларни мукаммал даражада ишлаб чиқади ва «тозалов» жараёнида номуносиблардан воз кечади.



Нурилло НЎЪМОНОВ
«ISHONCH»

КУЗАТУВ

Таҳририятимизга Тошкент вилоятининг Пискент туманидаги умумтаълим мактабларининг бирида 3-синф ўқувчиларига айрим дарсликлар етишмаётгани ва бу ўқув жараёнида қийинчилик туғдираётгани ҳақида мурожаат келиб тушди. Унда ёзилишича, баъзи китоблар октябрь ойи ўртасида келтирилган бўлса-да, баъзилари ҳануз етказиб берилмаган. Натижада ўқитувчилар дарслик саҳифаларини «Telegram» гуруҳларига жойлаштиришга, ўқувчилар эса уй вазифаларини телефон орқали бажаришга мажбур бўлишмоқда.

ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР КЕЧИКМОҚДА

– Фарзандим 3-синфда ўқийди. Ҳозир она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсликлари етишмаяпти. Шу сабабли ўқитувчиси ҳар куни китоб саҳифаларини «Telegram» гуруҳига ташлайди. Ўша пайтда фарзандимга телефонимни бераман. Баъзан унга ёрдам бериш учун мавзуни аввал ўзим ўқиб, тушуниб олишга ҳаракат қиламан. Китоб бўлмагани учун мавзу ва топшириқларни ҳар сафар ўқитувчидан суриштирамиз. Бу ҳолат боланинг мустақил дарс тайёрлашини ҳам, ота-онанинг унга кўмаклашишини ҳам қийинлаштиряпти, – дейди мурожаатчи.

Онанинг айтишича, бола дарс тайёрлаётганида телефондаги ўйинларга чалғиб кетяпти. Шу сабабли кимдир унинг ёнида доим назорат қилиб ўтириши керак.

Исм-шарифи ошкор этилишини хоҳламаган ўқитувчи эса вазиятга қуйидагича изоҳ берди:

– Китоблар қачон етказиб берилишини раҳбариятдан тез-тез сўраб турибмиз. Дарсликлар етишмаслиги ўқитувчиларга ҳам қийинчилик туғдиряпти. Чунки ота-оналар мавзуни тушунмай, бизга қўнғироқ қилишади, кетма-кет саволлар беришади. Бундан ташқари, уйга вазифаларни гуруҳга жойлашнинг ўзи етарли эмас. Ҳар бир ўқувчи топшириқдан хабардор бўлганини ва уни бажараётганини ҳам назорат қилишимиз керак.

Зангиота туманидаги мактаблардан бирининг директори ўқув йили бошида 3-4-синфлар учун янги дарсликлар етишмаганини маълум қилди. Унинг таъкидлашича, октябрь ойи ўрталарида китоблар келтирилган ва яқин кунларда ўқувчиларга тарқатилади.

Нурафшон шаҳар Мактабгача ва мактаб таълими бўлими услубчиси Мақсуд Мўминжоновнинг билдиришича, шаҳар мактабларидаги 3-синф ўқувчилари янги дарсликлар билан тўлиқ таъминланган, аммо 4-синфлар учун китоблар ҳозирча етказиб берилмаган. Бу масалада бўлимга ҳар куни мурожаатлар келиб тушмоқда.

Маълум бўлишича, янги дарсликлар етишмаётган мактаблар ўқитувчиларига вақтинча эски китоблардан фойдаланиб туриш топшириғи берилган. Бироқ эски дарсликлар асосида машғулотлар ўтиш вазирлик томонидан тасдиқланган ўқув режасига тўлиқ мос келмаслиги сабабли педагоглар қийинчиликларга дуч келишмоқда.

Бундан ташқари, Ўрта Чирчиқ ва Паркент туманлари ҳамда Олмалиқ шаҳрида ҳам айрим синф ўқувчилари янги дарсликлар билан тўлиқ таъминланмагани туфайли ўқитувчилар муайян муаммоларга рўбарў бўлишаётгани ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Яна бир гап. Дарсликлар етишмаётган шароитда «Telegram» тармоғида бошланғич синф ўқитувчилари, ота-оналар ва ўқувчилар учун очилган канал ҳамда гуруҳлар вақтинчалик ечим вазифасини ўтамоқда. Уларга дарс материаллари, топшириқлар ва ҳатто мисол-масалаларнинг тайёр ечимлари ҳам жойланяпти. Бундай тайёр материаллардан фойдаланиш боланинг мустақил фикрлаши ва масалаларни ўзи ечиш кўникмаси шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Демак, дарсликларни ўз вақтида етказиб бериш нафақат ўқув жараёни узлуксизлигини таъминлаш, балки болаларнинг мустақил таълим олиш имкониятини сақлаб қолиш учун ҳам жуда муҳим.

Мазкур ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида Тошкент вилояти Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси ҳамда вазирлик масъулларига мурожаат қилдик. Бироқ улардан жавоб олишнинг имкони бўлмади. Оқибатда айрим синфларда дарсликлар етишмаслигига айнан нима сабаб бўлгани ва бу муаммо қачон тўлиқ бартараф этилиши ҳақидаги саволлар ҳозирча очиқ қолмоқда.

Масъуллар муаммони қачон ҳал этишади?



Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

КЎЧАТ ЭКИШДАН МАҚСАД ЯШИЛЛИКМИ ЁКИ?..

МУШОҲАДА УЧУН МАВЗУ

Ҳеч эътибор берганмисиз, Тошкентда бир неча дарахт кесилса ёки «яшил» ҳудудлар ўрнини қурилишлар эгалласа, ижтимоий тармоқлар ларзага келади. Масъул идораларнинг телефонлари тинмайди, мутасаддилар изоҳ беришга шошилишади. Бу – пойтахтда жамоатчилик назорати кучли эканлигидан далолат беради. Аммо вилоятларда экологик муаммоларга афсусланарли даражада хотиржамлик билан ёндашилади. Масалан, Жиззах шаҳрининг марказий кўчалари ёқасидаги кўп йиллик чинорлар кесилганда ҳам, йўллар ўртасидаги «яшил» бўлакларда яшнаб турган арчалар олиб ташлаганда ҳам ҳеч ким муносабат билдирмади. Шунингдек, Шароф Рашидов ва Мирзачўл туманлари оралиғидаги йўл бўйида ўсаётган павловнияларнинг бир қисми қуриб қолгач, кесиб ташланганини ҳам кўпчилик сезмади.

Уч йил илгари Арнасой туманидаги каттагина майдонда павловниялар қовжираб ётгани сабаби билан қизиққанимда «Экишди, лекин тайинли суғоришмади» деган жавоб олгандим. Ташкилотлар ҳовлисида сувсизликдан ёки унсимон ҳашарот туфайли ўтинга айланаётган дарахтлар ҳам ноодатий ҳодиса эмас.

Шу ўринда мавзуга оид воқеа тафсилотига тўхталсам. Икки йилча олдин Шароф Рашидов туманида ўтказилган ҳашарда ОАВ вакили сифатида қатнашдим. Ташкилот раҳбари боғ яратмоққа астойдил киришгани кўриниб турарди: у юз чоғли ходимини бошлаб келган, мевали дарахт кўчатларини харажатига қарамасдан Сурхондарёдан буюртма қилганди.

Бироқ бу меҳнат ҳаммага ҳам маъқул эмаслиги яққол сезилди. Хусусан, ишчилардан бири юк автомашинасидан кўчат боғламларини тушираркан, ниҳоллар томирига киндирилган плёнка қопчалардаги тупроқни оёқлари билан эзғилаб, тўка бошлади. У қилмишидан теваракдагилар ажабланаётганини кўриб, илжайганча деди: «Кўтариш осонроқ бўлади».

Чуқурчаларни саёз ковлаб, кўчат илдизларини номига кўмиб қўяётганларга ҳам кўзим тушди. Ўзаро суҳбатлар чоғида эса «Бугун ҳисобот тайёрлашим керак эди, душанбага қоладиган бўлди, дарахт экишимиз мажбурий меҳнат эмасми?» деган гаплар қулоғимга чалинди. Бу гап-сўзлар мени дарахт экиш борасида ҳам ҳашардан воз кечиш керак, шекилли, деган хулосага ундади.

Зеро, инсон бирор вазифани ўз хоҳиши билан бажармас экан, натижадан умид қилмаса ҳам бўлади. Бундан ташқари, кўчатни шунчаки ерга қадаш билан иш битмайди, йил давомида суғориш, ўғитлаш, шакл бериш, зарарли ҳашаротлардан ҳимоялаш каби тизимли агротехник тадбирларни амалга ошириш зарур.

Фикримизни Жиззах вилояти экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси тақдим этган маълумотлар билан давом эттирамиз. Жорий йилнинг ўтган даврида экилган ниҳолларнинг суғорилиши ва парвариш қилинишини таъминламаган 214 та корхона, ташкилот ва муассаса мутасаддиларига мажбурий кўрсатмалар берилган. 167 та ҳолатда огоҳлантиришларга беписандлик билан қараган мансабдорларга нисбатан маъмурий жарималар қўлланилган.

Ушбу рақамлар ҳам дарахтларнинг бир қисми қуриб қолаётгани ҳақидаги фикримизни тасдиқлайди. Яъни кўчат етиштириш ва экишга сарфланаётган миллиардлаб маблағларнинг қанчадир миқдори йўққа чиқмоқда.

Яна бир маълумот: «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида шу йил баҳорда Жиззах вилоятида 6 миллион 230 мингта мевали ва манзарали дарахт кўчати ўтқазилган. Кузда эса 10 миллион 821 минг 700 туп ниҳол экиш кўзда тутилган.

Рақамлар ҳайратланарли. Қизиқ, бу кўчатларнинг қанчаси келаси йили барг ёзиб, саратондан омон чиқар экан?

– Битта кўчатни сотиш даражасига етказиш учун 1 йилдан 7 йилгача вақт ҳамда яхшигина меҳнат сарфланади, – дейди Жиззах вилояти кўчатчиликка ихтисослашган давлат ўрмон хўжалиги директорининг ўринбосари Отабек Жаборов. – Тўғри, меҳнатимизга яраша ҳақ оламиз, лекин қовжираб ётган дарахтларни кўрганда одамга алам қилади. Агротехник тадбирларнинг вақтида бажарилмаслиги ортидан 50 фоизгача дарахтлар қуриб қолганига кўп бор гувоҳ бўлганман. Мисол учун, мактаб жамоаларига ҳар йили кўчат экиш бўйича топшириқ берилади. Ваҳоланки, ўқув муассасаларида ниҳол ўтқазиш учун бўш жойнинг ўзи қолмаган. Шу боис тўғри келган ер танланиб, кўчат экилади ва жараён суратга олинади. Кейин боғ бутқул унутилади.

Мутахассис таъкидига кўра, Жиззахнинг ер шароитида соясевар, сув талаб қиладиган дарахтлар ўтқазиш – маблағни ҳавога совуриш билан баробар. Бундай муҳитда шўр ва сувсизликка чидамли тут, қайрағоч, жийда, катальпа, япон сафораси каби дарахт турларини кўпайтириш лозим. Аммо нима учундир қимматбаҳо ва ҳудуд иқлимига мос бўлмаган кўчатлар ўтқазишга ишқибозлар ҳар доим топилади.

Шунингдек, ниҳолни кузда экиш дуруст экан, чунки дарахтнинг табиий сувга тўйиниш, ерга мослашиш ва илдиз отиш имкониятлари ортади. Айтганча, ўрмон хўжалигида етиштирилаётган кўчатларнинг энг арзони 1,5 минг сўм, энг қиммати 600 минг сўм туради. Бу харажатлар миллионлаб экилаётган кўчатлар сонига кўпайтириладиган бўлса, дарахтлар қуриши ортидан иқтисодиётга етказилаётган зарар кўламини тасаввур қилиш қийин эмас.

Демоқчи бўлганимиз, кўчат экиш ва парваришлашни соҳанинг ўз эгаларига топшириш керак. Акс ҳолда, қуриб қолган дарахтлар ва улардан қолган тўнкаларга кўзимиз тушаверади. Пировардида экология ёмонлашганидан, чанг-тўзонлар кўпайиб, турли касалликлар авж олаётганидан нолиб юраверамиз.



Алижон АБДУСАТТОРОВ
«ISHONCH»

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 2023 йил 19 сентябрда Саидвалиев Рахим Набиевич номига берилган 00473-рақамли адвокатлик гувоҳномаси йўқолгани сабабли ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин.

Марокли дам олинг, азиз газетхон!



Марям Сатторова ижросида
«СОҒИНУРМАН» таронаси

Соғинурман, бир нафас сендан йироқ кетсам агар,
Ўртагай ҳижрон деган оташ фироқ, кетсам агар.

Олимжон Холдор шеъри

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши жамоаси кенгаш раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси
Шоҳсултон ТЎХТАМАТОВ
вафот этгани муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:
Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay’ati raisi),
Ulug’bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G‘OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharriming birinchi o‘rinbosari), Mehriddin SHUKUROV (Mas’ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)
Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog’iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg’ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Mas’ul muharrir: Bahriddin QO‘SHMONOV
Navbatchi muharrir: G‘ulomjon MIRAHMEDOV
Musahhih: Umida XUDOYBERGANOVA
Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV
Bosishga topshirish vaqti – 22:00
Topshirildi – 22:30
Bahosi kelishilgan narxda
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz
Nashr ko‘rsatkichi: 133
Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas’ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 028 ta
Shundan: 6 498 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;
19 339 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;
9 191 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg’ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda chop etildi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma: G-1011
1 2 3 4 5 6